# ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН · 9 май 1972 йил, сешанба · № 108 (15.279). · Баҳоси 2 тийин.

*ҚЎШМА СОН*

*Совет кишиларининг ҳарбий жасоратига, армия ва халқнинг бузилмас бирлигига бағишланган*

*Пролетарии всех стран, соединяйтесь!*

# ПРАВДА ВОСТОКА

ГАЗЕТА ИЗДАЕТСЯ С АПРЕЛЯ 1917 ГОДА

ОРГАН ЦК КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

*За нашу Советскую Родину!*

# ФРУНЗЕВЕЦ

ЕЖЕДНЕВНАЯ ГАЗЕТА КРАСНОЗНАМЕННОГО ТУРКЕСТАНСКОГО ВОЕННОГО ОКРУГА

*Ишчи ва деҳқонларнинг кўпчилиги ўзларининг Совет ҳокимиятини —меҳнаткашлар ҳокимиятини ҳимоя қилаётганликларини билган, ҳис этган ва кўрган... халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.*

*В. И. ЛЕНИН*




Рассом Б. Штин чизган расм.

# ВАТАН ҚАЛҚОНИ

БЕРЛИН. Шаҳарнинг шарқий қисмидаги немис ҳарбий инженерлик билим юртининг биноси. 9 Май куни соат 00.03 минутда Гитлернинг ўнг қўли ҳисобланган генерал-фельдмаршал Кейтель шу биқода фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақида актга қўл қўйди. 1418 кун давом этган жанг даврида кутганимизга эришдик. Советлар мамлакатининг қасос қиличи Ватанимизнинг шон-шарафига, озодлиги ва мустақиллигига касд қилган чет эллик босқинчиларни мажақлаб ташлади. Душман яксон этилди, адолатли иш тантана қилди. Шу кунга етиш учун совет халқи куч-ғайратини ҳам, ҳаётини ҳам аямади

Совет халқи ғалабага узоқ ва оғир йўл босиб, дастлабки муваффақиятсизликларнинг ғамандухлари орқали, лекин ўзининг ғолиб чиқишига қаттиқ ишонган ҳолда етиб келди. Бу йўл қаҳрамон Брест ва Севастополь орқали, Москва остоналаридаги ерлар ва Волга соҳиллари, Курск ва Днепр орқали, мамлакатимизнинг катта ва кичик шаҳар ва қишлоқлари орқали, душманнинг 607 дивизиясини тормор этиш орқали ўтди. Таслим бўлган Берлин устида Ғалаба байроғининг ҳилпираши бу курашга якун ясади.

Урушнинг машаққатли йиллари тобора узоқлашмоқда. Жанглар аллақачон тугаган, уруш қолдирган жароҳатлар битиб кетди, лекин ўша йилларнинг ҳаяжонли воқеаларини хотирамиздан вақтнинг тез ўтиши ҳам ўчира олмайди.

Халқ ўз мақсадига эришди. Совет кишилари асрлар ўтса ҳам унутилмайдиган жасорат кўрсатдилар. Совет халқи чинакам жанговар партия бўлган Коммунистик партиямиз раҳбарлигида ғалаба ижодкори бўлди. У фашист ҳарбий машинасини мажақлаб ташлаб, халқаро империализмнинг режаларини барбод қилди ва фашист-газандаларни заҳарли нишидан ажралгунча халқ чўқмори билан савалади

Улуғ Ватан уруши Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг мустаҳкамлигига катта синов бўлди. Гитлерчилар Германиясининг ҳарбий ва сиёсий раҳбарлари, бутун жаҳон империализми фашист босқинчиларининг зарбалари остида дастлабки мағлубиятдан кейиноқ Совет давлатида миллий адоват, миллий низолар бошланиб кетади деб ҳисоблаган эдилар. Уларнинг умидлари беҳуда чиқди. Халқларнинг қардошларча дўстлиги, уларнинг монолитлиги ва жипслиги оғир синов йилларидагидек зўр куч билан ҳеч қачон намоён бўлмаған эди. Фашизмнинг лойқа тўлқинлари фронт орқасидаги кўп миллатли сафлар билан якдил ҳаракат қилган кўп миллатли қўшинларимизга тўкнашиб чилпарчин бўлиб кетди. Мамлакатимиздаги ҳар бир миллат ва элат ғалаба кошонасига ғишт қўйди.

Қуролдошлар биродарлиги ҳақида тўлқинлантирувчи ҳужжатлар қолдирди бизга уруш. Катта ва кичик халқлар, элатлар ўз она-Ватанини кўкракларини қалқон қилиб ҳимоя этдилар. Фронтчилар жасоратида кўп миллатли совет халқининг юксак ватанпарварлик руҳи, интернационализм кучи намоён бўлди. Москва яқинидаги Дубосеково разъездини эслаб кўрайлик. Кўп миллатли жанговар коллективни ташкил этган 28 панфиловчи оғир дақиқаларда сўнгги граната қолгунча, юраклари урушдан тўхтагунча жанг қилди. Ёки кўпгина миллатларнинг вакиллари, жумладан, ўзбек М. Турдиев ҳимоя қилган Сталинград шаҳридаги Павлов уйини эслаб кўрайлик.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи ўша вақтда улкан кадрлар ўчоғига айланди. Унинг территориясида ўнлаб дивизиялар ташкил этилди. Бу дивизияларнинг интернационал ҳарбий сафига барча халқларнинг, шу жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг вакиллари келиб қўшилдилар. Интернационалчиларнинг жанговар бирлашмалари фронт йўлларида ҳарбий вазифаларни бажаришда мислсиз мардлик ва ҳарбий маҳорат кўрсатдилар.

Қуйидаги фактларнинг мазмуни жуда терандир: қаҳрамонлиги ва жасорати учун юздан ортиқ миллат жангчилари орден ва медаллар билан мукофотланди. 11 мингдан ортиқ жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Улар орасида ўнлаб совет миллатларининг, жумладан кареллар, абхазлар, ёқутлар ва бошқа кам сонли халқларнинг вакиллари ҳам бор.

Фронт билан фронт орқаси ғалабага ёнма-ён борди. Барча халқлар ҳаракатдаги армия билан якдил бўлиб унинг ҳаёти, унинг ташвишлари билан яшадилар. Ўзбекистон, Ўрта Осиёнинг барча республикалари ҳам шу ташвиш билан яшади. Улар қудратли арсеналга айландики, полк ва дивизиялар сафи шу арсеналдан мадад олиб турди. Ўзбек халқининг фронтдаги ўзбек жангчиларига ёзган хати каби ҳужжатнинг маънавий таъсирини ўлчайдиган мезон топилмаса керак. Бу хат жангчиларнинг кучига-куч қўшди Ватан тақдири учун ўзларининг масъулиятли эканликларини чуқурроқ ҳис этишларига ёрдам берди. Минглаб кишилар фронт чизиғи Ўзбекистондан ҳам ўтишини, ўзбек йигити рус, украин ва белорус уйини ҳимоя қилиш билан бирга герман босқинчиларидан ўз уйини ҳам ҳимоя қилаётганлигини, ягона ва дўстона оила бўлиб бирлашгандагина душманни енгиш мумкинлигини фронтдаги йигитларга уқдирдилар.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам металл, жанговар техника, пахта, дон учун жанг олиб борилди. Оппоқ пахтадан жангчилар учун миллионлаб кийим-кечак тикилди, момиқ пахта жангчи ярасига малҳам бўлди. Республика фронтга Бойсун ғалласини, Бухорода етиштирилган гўштни, меҳнаткашларнинг ихтиёрий равишда топширган маблағлари ҳисобига ясалган ўқ-дорилар, қурол-яроғлар, самолёт ва танкларни, иссиқ кийим-кечак ва қалб ҳарорати билан битилган илиқ хатларни юбориб турди. Одамлар фронтда жанг қилаётганлар учун янада оғирроқ эканлигини, ғалабага эришмоқ учун уларга қурол-яроғ зарур эканлигини эсда тутиб, тўйиб овқатланмас, тўйиб ухламас эдилар.

Совет жангчилари жанговар байроқларини шон-шараф билан юқори кўтариб, ўз Ватанларини ҳимоя қилибгина қолмай, Европа ва Осиёнинг кўпгина давлатларига озодлик келтириб, ўзларининг интернационал бурчларини ҳам бажардилар. Бизнинг ғалабамиз тарихдаги оддий бир воқеа эмас. Бу ғалаба ҳозирги кунда ҳам жаҳон воқеаларининг боришига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг ғалабамиз марксизм-ленинизм идеяларига содиқ бўлган, ўз социалистик Ватанига садоқатли, Коммунистик партия атрофига жипслашган халқни тиз чўктиришга, социализмни енгаолишга қодир куч жаҳонда йўқ эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Ҳозир ҳам жаҳон нотинч. Сўнгги йилларда империалистлар 30 дан ортиқ уруш ва қуролли можаро келтириб чиқардилар. Биз ҳушёр бўлишимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг партия XXIV съездига ҳисобот докладида **«Халқ яратган нарсаларнинг ҳаммаси қаттиқ ҳимоя қилиниши керак. Совет давлатини мустаҳкамлаш — унинг қуролли кучларини ҳам мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини бутун чоралар билан кучайтириш демакдир. Биз бесаранжом дунёда яшар эканмиз, бу вазифа энг асосий вазифаларнинг бири бўлиб қолаверади!»** деб таъкидлаган эди.

Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш — бу ҳам армиямизнинг, ҳам халқимизнинг вазифасидир. Уруш йилларида бўлгани каби ҳозир ҳам совет кишиларининг фидокорона меҳнати Армия ва Флот жангчиларининг ҳарбий хизмати, жанговар меҳнати билан қўшилиб кетмоқда. Монолит бирликдаги армия ва халқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик юбилейига Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга қатъий қарор берган ҳолда бормоқда. Улар янги уруш очишни истовчиларни, тарих сабоғини унутиб қўювчиларни рейхстаг деворларидаги ёзувларни эсдан чиқарманг деб қаттиқ огоҳлантирмоқдалар.

# СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1972 йил 9 май · № 98 · Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флот ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчилари!

Бугун совет халқи ва унинг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният Ғалаба байрамини нишонлайдилар. Бундан йигирма етти йил муқаддам совет Қуролли Кучлари гитлерчиларнинг галаларини тор-мор келтириши натижасида фашистлар Германияси қақшатқич мағлубиятга учради ва ҳеч сўзсиз таслим бўлди. Бу — жаҳон империализмининг зарбдор кучлари устидан социализм кучларининг буюк ғалабаси эди.

Совет Иттифоқи ўтган урушнинг асосий оғирлигини ўз елкасида кўтариб чиқди, немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизнинг барча халқлари битта сафда туриб фронтда, партизан отрядларида қаҳрамонларча жанг қилдилар ва ўз социалистик Ватанини ҳимоя қилишни кўзлаб мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилдилар, матонат ва мардлик мўъжизаларини кўрсатдилар. Совет кишилари қилган шижоат абадий сўнмайди. Герман фашизмига қарши жанг қилган бошқа мамлакатларнинг халқлари ҳам душманни тор-мор келтиришдан иборат муштарак ишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси социалистик тузумнинг афзалликларини, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг буюк ҳаётий кучини ва қудратини ёрқин намойиш қилди. Герман фашизми, сўнгра эса япон милитаризми ҳам тор-мор қилинганлиги империализм позицияларини янада заифлантиришга олиб келди. Бир қанча мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалаба қилиши, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши, халқаро ишчи ва миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши учун шарт-шароит яратилишига ёрдам берди.

Бу йил Ғалаба куни шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги бўсағасида нишонланмоқда.

Совет халқи бу улуғ байрамни Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари олға дадил боратуриб, монолит жипслашган ҳолда кутиб олмоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар тўққизинчи беш йиллик планини ва совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг КПСС XXIV съезди тузиб берган улуғвор программасини жуда баланд руҳ билан амалга оширмоқдалар. Бизнинг социалистик ишлаб чиқаришимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бормоқда, унинг самарадорлиги ошмоқда, халқ фаровонлигини яхшилашнинг янги муҳим тадбирлари амалга оширилмоқда.

КПСС XXIV съезди белгилаб берган ташқи сиёсат программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социализм манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, тарих сабоқлари билан ҳисоблашишни истамаётган агрессив империалистик доираларга кескин равишда қаршилик кўрсатмоқдалар, тинчликни актив ҳимоя қилмоқ, империализм ва гумашталарининг тажовузкорлик ҳаракатларига зарба уюштирмоқ учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар, уруш ва реакция кучларига қарши одилона кураш олиб бораётган қаҳрамон Вьетнам халқига, Ҳинди-Хитойнинг бошқа мамлакатларидаги ватанпарварларга, араб мамлакатларининг халқларига ёрдам ва мадад бермоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга социализм ва коммунизм қуриш учун қулай шарт-шароитни таъминлашга, халқаро кескинликни юмшатишга ҳамда Европа хавфсизлигини ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ленинча тинчлик сиёсатини ўтказиш билан бирга тинчлик душманларининг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар, Ватанимизнинг мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, Қуролли Кучларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўз Ватанига, коммунизм ишига чексиз берилган, шонли жанговар традицияларга содиқ бўлган совет жангчилари ҳар доим жанговар тайёр ҳолда турибдилар ва Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг армиялари билан бирга социализмнинг улуғ ғалабаларини ишончли муҳофаза қилмоқдалар.

Армия ва флотнинг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини умумхалқ байрами — Ғалаба куни билан табриклайман ва қутлайман. Совет жангчиларига СССР Қуролли Кучларининг жанговар қудратини янада такомиллаштиришда янги муваффақиятлар тилайман.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба кунининг 27 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 9 майда, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Мурманск, Свердловск, Новосибирск, Хабаровск, Владивосток шаҳарларида ўттиз марта тўп отилиб салют берилсин.

Ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари!

Яшасин қардош халқларнинг бузилмас бирлиги туфайли қудратли ва енгилмас улуғ социалистик Ватан—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

**СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали**
**А. ГРЕЧКО.**

# МАРДОНА ОИЛА

Ленин ўгитлари
бизга йўл-йўриқ,
Қалбларга нақшдир
ушбу васият:
Советлар Ватани — даҳлсиз, қутлуғ,
Ёвга қаҳру ғазаб—муқаддас ният.
Гарчанд юртимизнинг кучи баркамол,
Аммо дунё билар, ҳарбий сир эмас,
Ракеталардан ҳам қудратли қурол
Жасур Армиямиз қалбига пайваст.
Ватан чақирганда бизларни жангга,
Ост-устин бўлганда портлашлардан ер,
Дўстликни сингдириб юракка, онгга
Бир оила бўлиб қалқди СССР.
Бу дўстлик мангулик эрур барқарор,
Ёв метин аждарин этиб чилпарчин
Рус, ўзбек бир сафда бораркан девкор,
Она-ер мардларга айтди минг таҳсин.
Бу дўстлик қуёшдай нур сочди порлоқ
Москва, Смоленск жанги онида.
Латишу туркман, эстону қозоқ
Фарғона деб кирди жанг майдонига.
Йилдан-йил юксалар бизнинг бу дўстлик,
Меҳру садоқатдан дарёдек жўшиб,
Бирлик, биродарлик бағрида ўсдик,
Дўстликдан куч олар қудратли Қўшин.

Дм. ПОЛИНИН.

# ҚАРДОШЛИК ҚУТЛОВЛАРИ

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар немис халқи фашизмдан озод қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккерга, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси В. Ульбрихтга ва Германия Демократик Республикаси министрлар Советининг Раиси В. Штофга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада уқтириб айтиладики, давлатларимизнинг қардошлик иттифоқи янада мустаҳкам ва бақувват бўлиши, ҳамкорлигимиз эса тағин ҳам ҳар томонлама самарали бўлиши учун Совет Иттифоқи бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўраверади. (ТАСС).

* * *

Чехословакия Социалистик Республикасининг миллий байрами-мамлакат озод қилинган куннинг 27 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусакка, ЧССР Президенти Л. Свободага, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугалга табрик телеграммаси йўлладилар.

Биз мамнуният билан шуни қайд қиламизки, деб таъкидлаб ўтилади телеграммада, партияларимиз ва давлатларимиз ўртасида қарор топган ва фикрларнинг тўла бирлигига, марксизм-ленинизм ҳамда социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига таянган дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик муносабатлари халқларимизнинг, социалистик мамлакатлардаги барча меҳнаткашларнинг бахт-саодати йўлида йил сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб боради. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет—Чехословакия шартномасида мустаҳкамланган СССР билан ЧССРнинг бузилмас иттифоқи мамлакатларимизнинг миллий ва интернационал манфаатларига жуда катта хизмат қилмоқда, қардош халқларимизни янада кўпроқ яқинлаштиришга ёрдам бермоқда. (ТАСС).

# ДЎСТЛИК МИССИЯСИ БИЛАН

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бангладеш билан СССР халқлари ўртасидаги дўстлик жамиятининг вице-президенти Қози Муҳаммад Идрис бошчилигидаги шу жамиятнинг делегацияси 8 майда Тошкентга келди. Аэропортда дўст мамлакат намояндаларини жамоатчилик вакиллари хушнудлик билан кутиб олдилар.

Делегация Ўзбекистон бўйлаб сафар қилади, ишчилар, колхозчилар, маданият арбоблари билан учрашади. (ЎзТАГ).

# ЖАНГЧИЛАР ШАРАФИГА

КАТТАҚЎРҒОН, 8 май. (ЎзТАГ). Бугун Зарафшон дарёси соҳилида Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган каттақўрғонлик жангчилар ёдгорлигини очиш маросими бўлиб ўтди. Каттақўрғон районидаги барча колхоз ва совхозларнинг делегациялари, уруш ветеранлари, қаҳрамонларнинг қариндош-уруғлари ана шу тантанали маросимда иштирок этдилар.

# ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ

Чирчиқда Улуғ Ватан уруши фронтларига шу шаҳардан бориб, Ватан учун жонини фидо қилган жангчилар шарафига ёдгорлик ўрнатилди.

Ёдгорлик авторлари: ҳайкалтарош Ю. Киселёв, архитекторлар—Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати С. Сутягин ва Ю. Клипиков, инженер-конструктор А. Браславскийдир.

Ғалаба куни арафасида Чирчиқ шаҳри, Оржоникидзе, Бўстонлиқ районлари ва бошқа қўшни районларнинг минг-минглаб меҳнаткашлари жангчиларга ёдгорликни тантанали очиш маросимида қатнашиш учун бу ерга келишди.

Митингни Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ғ. Ёқубов очди. Собиқ фронтчилар К. Г. Бурдин ва А. Жуманов, ҳалок бўлган жангчининг онаси Е. С. Шаталина, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси комсомол аъзоси И. Белякова митинг қатнашчиларига қарата нутқ сўзладилар. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко нутқ сўзлади.

Мактаб ўқувчилари ва меҳнаткашларнинг вакиллари ёдгорлик супасига гуллар қўйдилар.

Ёдгорликни очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

